

Андижон вилояти ҳокимлиги расмий портали

Зиёратчиларимизнинг биринчи гуруҳидаги 234 нафари вилоятимизга қайтдилар

Миллий урф-одат ва анъаналаримиз, диний қадриятларимиз тикланиб бораётганлиги туфайли бир пайтлар ота-боболаримиз учун армонга айланган ҳаж ибодатига бугун минглаб юртдошларимиз ҳеч бир қийинчиликларсиз эришмоқдалар. Кеча тунда вилоятимиздан ҳаж зиёратига йўл олган юртдошларимизнинг биринчи гуруҳидаги 234 нафари кўнгилларида бир олам тассурот билан фарз амалларини бажариб, вилоятимизга қайтдилар.





Улар Наманган халқаро аэропортида мутасадди ва масъуллар билан биргаликда кутуб олиниб, замонавий автобусларда белгиланган манзилларига етказиб қўйилди.

Зиёратчиларимизни кутиб олиш маросимлари давом этмоқда.